БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

178 (1698) | 7 сентябрь, 1960 йил, чоршанба | Баҳоси 20 тийин.

ЯНГИ ҲОСИЛНИ қабул қилишга тайёрмисиз?

Жонажон партиямиз Марказий Комитети декабрь Пленумининг муътабар минбаридан туриб, республикамиз бу йил она-Ватанга 3 миллион 170 минг тонна, шу жумладан Ленин орденли Тошкент области пахтакорлари 500 минг тонна «оқ олтин» етказиб бераднлар, деб ваъда қилган эдик. Фидокор колхозчилар, жонқуяр совхоз ва РТС ишчилари эрга баҳорданоқ ҳиммат камарини маҳкам боғлаб, бутун эл-юрт олдида берилган ана шу ваъданинг устидан чиқиш мақсадида астойдил тер тўкдилар.

Областимизнинг колхоз ва совхозларида пахтани танлаб теришга киришилди. Эндиликда 500 минг тонна ҳосил учун курашнинг энг масъулиятли ва ҳал қилувчи даври бошланади. Шу муносабат билан тайёрлов органлари—пахта тозалаш заводлари ҳамда қабул пунктлари ва қуритиш-тозалаш цехлари коллективлари олдида ғоят катта вазифалар турибди. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан қисқа муддатда ва сифатли қилиб ўтказиш кўп жиҳатдан тайёрлов органларининг ишига боғлиқдир. Улар янги мавсумга қанчалик яхши тайёргарлик кўрсалар, терим даврида колхоз ва совхозларнинг давлатга пахта топшириш ишлари шунчалик юришиб кетади.

Илгор коллективлар ўз зиммаларидаги масъулиятни бутун тўлалиги билан ҳис қилганлари ҳолда, янги ҳосилни қабул қилишга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрдилар. Алимкент, Пискент, Янгийўл пахта заводлари ва уларнинг жойлардаги тайёрлов пунктларида мавсумга тайёргарлик ишлари аллақачонок тугалланган. Корхоналар ўз вақтида ремонтдан чиқарилди, оғир ва кўп меҳнат талаб этадиган ишларни механизациялаш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди, лабораториялар зарур ускуналар билан жиҳозланди, пахтакорларга тарқатиш учун етарли миқдорда қоп-қанор ва этак келтириб қўйилди.

Терим агрегатларидан кенг фойдаланиш—бу йилги мавсумнинг аввалги мавсумларга нисбатан ўзига хос характерли хусусиятидир. Тайёрлов органлари колхоз ва совхозлардан пахтани қабул қилиб олишга тайёргарлик кўрар эканлар, ана шу жуда муҳим хусусиятни эътиборга олишлари зарур. Чунки машина ишга тушгач, далалардан ҳосил узлуксиз равишда ва кўп миқдорда келади. Афсуски, айрим хўжалик раҳбарлари масаланинг ана шу томонига етарли аҳамият бермаётирлар. Ўтган йили Чиноз пахта тозалаш заводининг пунктлари ёмон ишлаганлиги сабабли ҳосилни қабул қилишда, айниқса машина билан терилган пахтани қабул қилиш ишларида жиддий камчиликларга йўл қўйилган эди. Пахта олиб келган шоферлар, аравакашлар хаддан ташқари кўп ушланиб қолинар, оқибатда эса ҳосил тоширишда катта узилишлар рўй берарди. Лекин завод раҳбарлари ўтган йилги хатолардан тўғри хулоса чиқариб олмаётирлар. Сирдарё район пахтакорлари бу йил 1959 йилдагига нисбатан икки баравар кўп ҳосилни, яъни 18-20 минг тонна «оқ олтин»ни машинада теришга аҳд қилишган. Шу муносабат билан қуритиш-тозалаш цехларини барвақт тартибга келтириб қўйиш зарур эди. Аммо шу районга хизмат қиладиган Чиноз пахта тозалаш заводининг бундай цехлари ҳали мавсумга тайёр эмас. «Малик» совхозининг коллективи деярли барча ҳосилни машинада теришга қарор қилган. Лекин бу хўжалик терган пахтани қайси пунктга топшириш масаласи ҳали ҳал қилинганича йўқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети «Колхозларда, совхозларда ва тайёрлов тармоқларида пахтани йиғиб-териб олиш ва уни тайёрлашга ҳозирлик кўриш тўғрисида» деб чиқарган қарорларида бир қатор пахта тозалаш заводларида ва тайёрлов пунктларида янги ҳосилни қабул қилиб олишга, сақлашга ва қайта ишлашга тайёргарлик кечиктириб юборилаётганлигини, пахта сақланадиган омборларни ремонт қилиш орқага сурилганлигини, машинада териладиган, даладан қоп-қанорсиз олиб келинадиган пахтани қабул қилиб олишга қониқарсиз тайёргарлик кўрилаётганлигини йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир деб кўрсатдилар.

Ҳали ҳам вақт ғанимат, тайёргарлик ишларини яна бир бор диққат билан кўздан кечириб чиқмоқ зарур. Тайёрлов пунктларининг пахтанинг стандарт эталонлари билан, колхозларга сотиш учун етарли миқдорда қоп-қанор ва этаклар билан, лабораториялар зарур асбоблар билан таъминланганликларини яхшилаб текшириб чиқмоқ керак. Областимиз бўйича камида 140-150 минг тонна ҳосил машинада терилишини ҳисобга олиб, янги қуритиш-тозалаш цехлари қурилишига ва мавжуд цехларни қайта ускуналашга айниқса жиддий эътибор бериш керак. Заводлар ва тайёрлов пунктларининг ходимлари терим бошлангунга қадар машина теримига ажратилган ҳамма участкаларни кўздан кечириб, ғўза баргини сунъий тўктириш ишларида иштирок этишлари, колхозлар ва совхозларда семинарлар ўтказиб, бу семинарларда теримчиларни пахтани сортларга ажратиб териш қоидалари билан батафсил таништиришлари зарур.

Ҳа демай пахта йиғим-терими оммавий равишда бошланиб кетади. Унга пухта ҳозирлик кўриш—маҳаллий партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг, РТС, пахта заводлари, колхоз ва совхоз раҳбарларининг энг муҳим вазифасидир. Қолган ғанимат кунларнинг ҳар бир соатидан тўла ва унумли фойдаланиб, ҳамма ерда йиғим-теримни шайланган ҳолда кутиб олайлик!

*

Ўзбекистонда қозоқ адабиёти ҳафталиги бошланди

Узбек ва қозоқ халқларининг қардошларча дўстлиги асрлар бўйи қўшиқларда куйлаб келинади. Узбекистоннинг ҳосилдор водилари ва Қозоғистоннинг чексиз яйловлари осмонида бахт қуёши порлагач, бу дўстлик илгари қолоқ бўлган ҳар иккала миллат тақдирининг ажойиб бирлигида акс этди. Улар совет халқларининг улуғ оиласига қўшилиб, табиий бойликларнинг бебаҳо ҳазиналарини очдилар, саноат ва қишлоқ хўжалигини мислсиз юксалтиришга эришдилар. Улар социалистик маданиятни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшдилар.

Ҳар иккала республика адабиётининг байрами очиладиган кунда бузилмас дўстлик ҳақидаги қўшиқлар айниқса қувончли янгради.

6 сентябрь туш пайтида Олмаотадан Тошкентга келган самолёт Узбек элига қадрли меҳмонларни — Узбекистондаги қозоқ адабиёти ҳафталиги қатнашчиларини етказиб келди. Делегация аъзолари орасида Қозоғистоннинг энг кекса ёзувчиларидан бири — Собит Муқанов, Қозоғистон ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Габит Мусрепов, машҳур қозоқ ёзувчилари Ғали Урмонов, Тоир Жароков, Муҳамаджон Қоратаев, Диҳан Обилов, Сирбой Мавленев, Ҳамид Ерғалиев, Жубан Мўлдағалиев, Абен Сотиболдиевлар бор.

Қозоқ адабиёти намояндаларини кутиб олиш учун Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, республика маданият министри С. М. Муҳамедов, ёзувчилардан Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Сергей Бородин, Ҳамид Ғулом, Асқад Муҳтор, Рамз Бобожон, Иззат Султонов, Миртемир, Александр Удалов, Назир Сафаров, Воҳид Зоҳидов ва бошқалар келдилар.

Шоир Ғафур Ғулом меҳмонларга қарата ҳаяжонли нутқ сўзлади ва қозоқ ёзувчиларига ўзбек халқи номидан самимий салом топширди. Халқ одати бўйича меҳмонлар олдига ўзбек элининг мевалари солинган дастурхон ёзилди. Қозоғистон ёзувчилари делегациясининг бошлиғи Собит Муқанов бу совғани қабул қилиб олар экан Узбекистон адабиётчиларига қардошларча кутиб олганликлари учун ташаккур айтди.

Кечқурун Навоий номли опера ва балет театрида Узбекистондаги қозоқ адабиётининг ҳафталиги тантанали вазиятда очилди. (ЎзТАГ).

* * *

(Ҳафталикнинг очилиши ҳақидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида берилади).

Совет Ўзбекистонида

Хуш келибсиз элимизга, қардошларимиз!

Суратда: Қозоғистонлик ёзувчиларнинг Тошкент аэропортида кутиб олиниши.

А. Палехов фотоси.

ОБЛАСТИМИЗДА ПАХТА ИЙҒИМ-ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

ДАСТЛАБКИ КУНДАНОҚ

ОҚҚЎРҒОН, 6 сентябрь, (**телефон орқали олинди**). «Оққўрғон» совхозининг далаларида пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Совхознинг деярлик барча бўлимлари танлаб пахта теришни бошлаб юбордилар.

Дастлабки кунларданоқ йиғим-терим ишлари ғоят уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Совхознинг 3 ва 6-бўлимлари, айниқса, олдинда бормоқдалар.

Совхоз бўйича шу кунларда теримда 250—300 киши қатнашаяпти. Кунига 3 тонна пахта терилаётир. Ҳозиргача 19 тоннага яқин пахта хирмонга тўкилди.

Бу ерда машина теримига тайёргарлик ишлари ҳам намунали бажарилаётир. Мавжуд 114 та пахта териш машинасининг ҳаммаси сифатли қилиб ремонтдан чиқарилди. Шунингдек 65 та кўсак чувиш машинаси ҳам шай ҳолда турибди.

КУНИГА ИККИ ПРОЦЕНТ МИҚДОРИДА ПАХТА ТОПШИРИЛАДИ

ЯНГИЙЎЛ. (ЎзТАГ). Райондаги Карл Маркс номли колхоз аъзоларининг умумий йиғилишида пахта йиғим-терими плани тасдиқланди. 1475 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил олиш кўзда тутилмоқда. Колхоздаги ишга яроқли кишиларнинг бешдан тўрт қисми дала ишларига сафарбар этилади.

Пахтани қуритиш учун 14 та майдонча тайёрланиб, асфальт ётқизилди. Қоп-қанорлар олиб келинди. Теримчилар учун фартуклар тикилди. Бригадалар орасидаги йўллар ва кўприклар ремонтдан чиқарилди.

Транспорт воситалари ҳам тахт қилиб қўйилди. Буларнинг ҳаммаси кунига тайёрлов пунктига йиллик планнинг икки процента миқдорида пахта топшириш имконини беради.

Ленин номли, Сталин номли, Свердлов номли колхозларда ва районнинг бошқа бир қанча хўжаликларида ҳам пахта йиғим-терим ишларининг пухта ўйланган планлари тузиб чиқилди. Пахтаси эрта пишган илғор бригадалар уюшқоқлик билан танлаб теришга киришдилар.

*

«Оққўрғон» совхозининг далаларида йиғим-терим бошланиб кетди, 1-бўлимнинг 4-бригадасида иш айниқса қизғин. Кўп минг килограммчи теримчилар дастлабки кунларданоқ ғайрат қилмоқдалар. Суратда: мавсумда 15 тонна пахта териш мажбуриятини олган ўртоқ Дилорам Шамнева терган пахтасини топширмоқда.

В. Панов фотоси.

ҚАРШИ ЧЎЛИДА ТОКЗОРЛАР

ТЕРМИЗ, Қаршининг жазирама чўлида кўмкўк оролчалар худди саробга ўхшайди. Бу — 500 гектарга яқин майдонни эгаллайдиган токзор ва боғлардир. Бу сувсиз ерларга ток ва мева дарахтларини академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институти Самарқанд филиалининг ходимлари олиб келдилар.

«Кўкбулоқ», «Деҳқонобод» совхозларининг ишчилари ва филиал мутахассислари бу экинларни чўлда ўстиришнинг агротехникасини ишлаб чиқдилар. Қўриқ ер 70 сантиметр чуқурликда плантаж плуглар билан ишланиб, устки ҳосилдор қатлам жўякнинг тагига ағдарилади ва у ўсимликнинг илдиз системаси зонасига тушади. Бу билан иккита мақсадга эришилади, — ток яхши ўсади ва тупроқда бутун вегетация даврида намлик сақланиб қолади.

Тажриба шуни кўрсатдики, бу ерда узум суғориладиган ерга қараганда 20 — 25 кун илгари пишади, мева таркибида қандининг кўп бўлиши эса, майиз қуритиш даврини тўрт кун қисқартириб имконини беради.

ҚИШЛОҚЛАРНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ

ФАРҒОНА. «Узсельэлектростроя» қурувчилари ва монтажчилари коллективи Марғилондан Ёзёвонгача — қўриқ ерлаги Охунбобоев районги марказигача бўлган 24 километрлик юқори вольтли линия қуришга киришдилар. Марказий Фарғонадаги янги ўзлаштирилган ерларда ташкил этилган етти колхоз келаси йилда давлат Фарғона теплоэлектроцентралидан арзон электр қуввати олади.

Ҳозир областдаги 60 дан ортиқ колхоз ва совхоз давлат станцияларининг электр қувватидан фойдаланмоқда.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР КЕНГАШИ

Тошкент темир йўлининг Фарғона бўлимида Москва узели транспортчиларидан ўрнак олиб, ёш мутахассислар кенгаши ташкил қилинди. Кенгаш составига турли хизмат ҳамда участкаларнинг энг актив инженерлари ва техниклари кирдилар.

Кенгаш тузилганидан кейин ёш темирйўлчиларнинг ижодий фаолиятлари анчагина активлашиб, маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлиб қолди. Август ойининг бир ўзида қарийб 50 киши рационализаторлар сафига қўшилиб, ҳозирнинг ўзидаёқ қимматли техника таклифлари киритдилар.

ЎЗТАГ ХАБАР ҚИЛАДИ

Бир колхозда эллик агрегат

ПАХТАКОР. (Самарқанд области). «Коммунизм» колхози пахтани ишлашни ялпи механизациялашга ўтишни тугалламоқда. Бу йил 2045 гектар экин майдонининг ҳаммасидаги ҳосил машинада теришга ажратилган. Бу мавсумда далаларда кетмон ишлатилмади деса бўлади. Узунасига ва кўндаланг-ига беш марта ишлов берилганлиги туфайли булиқ ғўзапоялар етиштирилди. Ҳар бир поя ҳозир тахминан 20 тадан тўла кўсак бор.

Колхоз правлениеси терим планини тасдиқлади. Ғўза барги тўкилганидан кейин далаларга эллик терим агрегати чиқади. Улар икки сменада ишлайди. Пахтачиликда ялпи механизациялашга ўтишнинг ташаббускорларидан бири кекса механизатор коммунист Ҳаким Қурбонов машинада камида 250 тонна пахта териш мажбуриятини олди. Ундан бошқа илғор механик ҳайдовчилар ҳам намуна олдилар.

Тахминий ҳисобга қараганда, бир центнер пахта колхозга кўпи билан 70 сўмга тушади.

УСТЮРТ ОҲАКТОШИ

ҚЎНҒИРОТ, Қорақалпоқлар қурилишда қадимдан бери Устюрт оҳактошидан фойдаланадилар. Маҳаллий аҳоли оҳактошдан каналларда турли иншоотлар, уй-жой бинолари қурадилар. Табиий тош жуда мустаҳкам ва чидамлидир. Устюрт чўлидаги Бляули қўрғони масалан, бир неча асрлардан бери ўзининг ташқи кўриниши яхши сақланган ҳолда турибди. Қўнғиротда ва Шуманайда оҳактошдан ясалган кўпгина эски биноларни кўриш мумкин.

Устюртда оҳактошнинг жуда катта запаси топилди. Унинг қатлами 130 метр чуқурликгача етади. Бу тош қаттиқ бўлишига қарамай, уни болта билан чопиш ва оддий арра билан кесиш мумкин.

Табиий тошдан девор блоклари тайёрлашнинг оддий технологияси ишлаб чиқилди. Бундай блокларда уй қуриш пишиқ гиштдан қуришга қараганда 40 процент арзон тушади. Икки қаватли бино қуриш учун икки миллион дона гишт керак, оҳактошнинг эса, беш минг кубометри кифоя қилади.

Устюрт оҳактоши — Қорақалпоғистон учун перспектив бинокорлик материалидир. Етти йилликда ундан кенг фойдаланиш кўзда тутилмоқда Блоклар тайёрлайдиган бир қанча корхона ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Ҳисобга кўра бундай корхоналарни ташкил этиш учун қиймат-баҳо ҳомашёдан деворбоп материал ишлаб чиқарадиган заводлар қурилишига сарфланадиган маблағга қараганда 2—4 баравар кам капитал маблағ талаб қилинади.

Ўқитувчи хотираси

ЛЕНИНСК, Андижон область, Ленин районидаги «Сталинчи» колхозининг янги мактаб биносидан сўнгги хавозалар олинаётган пайтда бу ерга болалар билан биргаликда колхоз қишлоғининг бутун аҳолиси тўпланди. Мактаб қурилган жой кекса пахтакорлар учун муқаддас жойдир. Бундан ўттиз йил муқаддам бу ерда қишлоқдаги биринчи совет ўқитувчиси Эргаш Рустамов қулоқлар томонидан вахшийларча ўлдирилган эди.

Ўқитувчи оддий меҳнаткашлар қалбига билим нурини ғаришлагани учун, колхознинг энг актив ташкилотчиларидан бири бўлгани учун қулоқлар ундан ўч олган эдилар. Лекин улар ўлмас одамга қўл кўтарганликларини билмаган эдилар. Унинг иши колхозчилар меҳнатида яшамоқда. Янги мактабга қишлоқ ўқитувчисининг номи берилди.

Рустамов номли мактаб қурилишига қишлоқ хўжалик артели бир ярим миллион сўм сарфлади. Мактаб — посёлкадаги энг чиройлик ва энг баланд бино бўлди. «Бу — дўстимиз учун энг яхши ёдгорликдир», — дейдилар колхозчилар фахр билан.

Франция мутахассислари Ўзбекистон пахтакорлари тажрибасини ўрганмоқдалар

Пахтачиликни ривожлантириш бўйича Франция компаниясининг директори Жак Карбон-Ферьер ва шу компаниянинг техника директори Гастон Гран-Клеман Узбекистон пахтакорларининг иш тажрибаси билан бир ҳафта мобайнида танишдилар. Улар Тошкент, Андижон ва Самарқанд областларининг бир қанча колхоз ва совхозларида бўлдилар. Ирригация иншоотларини кўздан кечирдилар, Узбекистон қишлоқ хўжалик Фанлар академиясининг олимлари ва республика қишлоқ хўжалик министрлигининг ходимлари билан учрашдилар ва суҳбатлашдилар.

Жак Карбон-Ферьер ЎзТАГ мухбирига ўз таассуротларини айтиб, Узбекистон пахтачиликни ривожлантириш даражаси бўйича ана шу экинни етиштирадиган бошқа асосий районлардан, шу жумладан Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетди деди У ўз сафарининг жуда фойдали бўлганлигини таъкидлаб айтдики, Узбеклар тажрибасининг қиймати дастлаввал шундаки, улар толанинг юксак техника сифатларини сақлаган ҳолда ҳосилдорликни кескин суратда оширa олдилар. Мен шунга ишонч ҳосил қилдимки, деди француз мутахассиси, Ўзбекистонда пахта хўжаликларига раҳбарлик қилиш топширилган кишилар ўз ишларини жуда яхши биладилар, бу ерда пахтачилик бўйича илмий тадқиқотларга кенг кўлам берилган.

Карбон-Ферьер республикада ўсимликларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан сақлаш соҳасидаги ишларга юксак баҳо берди. Ўзбекистон, деди у, далаларни сунъий суғориш проблемасини тўғри ҳал этишда намуна бўлиб хизмат қила олади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ А. Ф. ЗАСЯДЬКОНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан ва Совет давлати олдидаги хизматлари учун СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ Александр Федорович **Засядько Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари.

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1960 йил 6 сентябрь.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

Техника тараққиётини жадаллаштирайлик!

ЕТТИ ЙИЛЛИК ТЕХНИКАСИ

Шу кеча-кундузда «Ташсельмаш» заводига борсангиз, қизиқ бир ажойиботнинг устидан чиқасиз. Ишланган, ишланмаган ёки ярим ишланган турли хил деталлар илгакларга осилиб, ўз-ўзидан турли томонга кетаяпти.

Техника тараққиётига зўр бераётган машинасозлар яқинда бир километрга яқин осма ва 200 метрдан ортиқ ерости транспортёрни монтаж қилдилар ва ишга туширдилар. Бу етти йиллик техникасининг ҳамма афзалликларини бирма-бир санаб тугатиш қийин. Бир сўз билан айтганда, цехлараро транспортировка учун сарфланадиган йиллик харажатдан 600 минг сўмдан кўпроғи тежалади. Бундан ташқари, корхона ичида турли деталларни ташиш учун ажратилган трактор, электрокара, автомашиналар ва уларни бошқариб турадиган ишчилар бошқа участкаларга ўтказилади.

Янги осма транспортёр иккита трасса — рельсли йўлга эга. Деталлар ана шу трассаларга осилган илгаклар ёрдамида керакли жойга етказиб берилади. Буни «ақлли» механизм-автомат стрелка ўз-ўзидан бошқариб туради.

Машинасозлар етти йиллик техникаси афзалликларини тажрибада кўрганларидан сўнг уни бошқа цехларда ҳам жорий этишга қарор қилишди. Корхонада ҳозир йигув цехида ишга тушириш мўлжалланган осма транспортёр лойиҳаси қизғин муҳокамада.

Суратларда: 1. (чапдан ўнгга) Анвар Бергулин, инженер В. Башкатов, Александр Рослов ва Анатолий Добринев ўртоқлар. Бу илғор слесарь-монтажчилар ва инженер автомат транспортёрни ишга туширишда айниқса жонбозлик кўрсатишди. Улар йигув цехида жорий қилинадиган осма линия лойиҳасини муҳокама қилишмоқда. 2. ХВС-1,2 пахта териш машинаси шпинделини осма автомат линия ёрдамида термик ишлов бериш учун етказиб бериш жараёни.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотолари.

Октябрь ойи ҳисобига

Тошкентдаги ипак-йигирув фабрикаси коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига мусобақани қизитиб юборди. Мавжуд асбоб-ускуналар қувватидан унумли фойдаланиш туфайли 9 ойлик план август ойидаёқ бажариб қўйилди.

Йигирувчилар смена топшириқларини 120-140 процент бажараётган касбдошлари Идилбоева, Исамуҳамедова, Додабоева, Сагитулина ва бошқаларнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. Ахир бу илғорлар ўтган ойда пландагидан ташқари 5 минг килограмм ипак йигирилишига озмунча ҳисса қўшишдими? Уларнинг кўпчилиги ҳозир келаси йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

М. ЗАРИПОВ.

МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТЕКШИРАМИЗ

„ШИКОЯТ ЙЎҚ-КУ, ЯНА НИМА ДЕЙСИЗ?“

«Тошкент ҳақиқати»нинг рейд бригадаси

Ефим Анатольевич Шаевич ўзича хиргойи қилиб, бугунги почтани кўздан кечириб ўтирибди. Димоғи чоғ. Мана, навбат уч бурчак конвертга келди. Директор хатни очиб ўқиди-ю, авзойи бузилди қўйди.

— Бу нима, дог. Заводимиз шаънига тушган қора дог — деди-да, зарб билан кнопкани босди.

Секретарь кирди.

— Цирюльников билан Городковани чақиринг.

Қизиқ, гулистонлик Исаков «Красная заря» колхозидан, шприцингиз мутлақо ишга яроқсиз, тракторимнинг лоақал бирор ерини ҳам мойлай олмадим, деб ёзиб юборса-ю, азалдан сиркаси сув кўтармайдиган Ефим Анатольевич кўнглига ялла сиғсинми? Ҳеч ҳам-да!

— Тўхта, тўхта, шприцни биз ясамаймиз-ку! Уни бошқа корхона тайёрлайди. Биз бўлсак асбоблар комплектига қўшиб жўнатамиз, холос. Суф сенга-е, Ефим Анатольевич.

Директорнинг миясига шу фикр келди-ю, тоғ ағдарилгандай бўлди:

— Жаҳл чиққанда ақл кетади деб, зап айтишган-да,— деди мийигида кулиб. Шу чоқ бош инженер ва техника контроль бўлимининг бошлиғини чақиртиргани ёдига тушиб, яна кнопкани босди.

— Чақирдингизми?

— Безовта қилмай қўяқол, масала уларсиз ҳам ҳал бўлди,— деди оғзининг таноби қочган раҳбар.

Биз корхонанинг тайёр маҳсулот сақланадиган омбори томон кетаётганимизда директорнинг хиргойиси тобора авжига чиқмоқда эди...

Омбор яшик ва брезент халталар билан лиқ тўла. Ташқи кўриниши бинойидек. Шу билан кифоялансак бўлар экан. Гапга кўнмай, ичини очган эдик, яшиклар билан бирга оғзимиз ҳам ланг очилиб қолди. Нега дейсизми? Асбобларнинг соғи йўқ. Гайка калиди тобига етказиб ишланмаган. Қатор катта-кичик калидларни икки эллик занг босган. Ҳали ишлатилмаган бородокнинг «бели» чиққан, зубиланинг «оёғи» синган. Болғаларнинг сопи тўрт бўлак.

Бечораларнинг тили бўлганда улар ҳам Ефим Анатольевичга жўр бўлиб «на асбобман, на темир» деб хиргойи қилиб беришарди.

Ишлар ана шунақа қилиб «дўндириб» ташланган. Аммо ўртоқ Варламов бўш келмайди.

— Сифат чакки эмас. Сабаб, кўпдан буён шикоят нималигини билмаймиз,— дейди у уялмай-нетмай.

Тўғри, расмий шикоят йўқ. Аммо «Главголодностепстрой» трестига қарашли Янгиер йўл қурилиш бошқармасининг 9 механизаторидан келган «асбобларингиз бир ҳафтада синиб бўлди, намуна учун бўш яшиклар-у, брезент халталар қолди, холос» деган мазмундаги хатларнинг ҳам сонсаноғи йўқ.

Техника контроль бўлими ходимларида слесарь-монтаж асбобларининг чертёжи йўқ. Шунингдек катта-кичик бўладиган калид, омбир ва бошқа қатор асбобларнинг тайёрланиш технологиясини ҳам аниқ билишмайди. Маълумки, торцевой калидлар головкасининг ҳажми алла-қачон ўзгарган. Аммо бу ерда янги чертёж йўқ. Қатор илғор корхоналарда слесарлик асбоблари 1958 йилда тасдиқланган янги давлат стандарти асосида ясаляпти. Бу ерда ҳали ҳам 1955 йилги давлат стандарти асос.

Корхонада трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси учун запас қисмлар ҳам ишлаб чиқарилар экан, Эссиз запас қисм... Буларнинг олдида юқорида айтиб ўтилган асбобларнинг ўлса-ўлиги ортиқ.

Яқинда Ўзбекистон ССР Совнархозидан вакиллар келишиб, ХВС-1,2 пахта териш машинаси руль колонкасининг сифатини текширишди. Натижа нима бўлди денг? Ҳар бир колонкада 15—17 тадан бузуқлик. Ҳўш, бунинг нимаси колонка?

Тартибга солувчи прокладка иккала томонининг қалинлиги ҳам тўрт миллиметрдан бўлиши керак. Бу чертёждагиси. Амалда-чи? Устабузармонлар бир ёғини етти, иккинчи томонини икки миллиметр қилиб қўйишибди. Червяк вали, колонка корпусидаги подшипник ҳақида гапиришга тил ҳам бормайди.

«Универсал» трактор регулятори грузиги головкаларининг юзаси бирбирига аниқ параллель бўлиши шарт. Аммо заводда фарқига боришмайди. Тешик диаметри саккиз миллиметр бўлса бас, гап тамом. Бош инженернинг буйруғи шу.

— Бизники таваккал,— дейди механика цехининг бошлиғи ўртоқ Хаетский,— ё остидан, ё устидан. Параллель чиқса яхши, бўлмаса ҳам майли. Барибир жўнатаверамиз.

Кўпгина цехларнинг раҳбарлари ва ишлаб чиқариш мастерлари сифат техника контроль бўлимидагиларнинг иши дейишади.

Ўзибўларчилик ёмон оқибатларга олиб келаётир. Ой сайин қанчаданқанча асбоб ва запас қисмлар чиқпаккa чиқарилиб, металл-лом сифатида ташлаб юборилаяпти. Кейинги бир ойда мастер ўртоқ Воронцовнинг айби билан 537 та торцовой калид головкаси, мастер ўртоқ Твердохлебнинг ношудлиги туфайли 440 та гайка калиди брак қилинган.

Ўртоқ Шаевичга бунинг олдини олиш ўрнига:

— Иш бор жойда камчилик... Биридан зарар қилсак, биридан фойда. Ўрнини тўлатиб турибмиз, — дейди.

Ана шундай ўрни тўлиб кетар билан етти ой давомида 42 минг сўмлик маҳсулот брак қилинди. 46 минг сўмлиги эса сифатсизлиги учун автобус ва троллейбус парклари, қурилиш-монтаж ташкилотларига енг ичида камайтирилган нархларда ўтказилди.

Ефим Анатольевичга нима? Кетса давлатники. Агар ана шу зарарнинг ақалли юздан бирини ҳамёнидан тўлаганда, ўзи биларди-я! Брак маҳсулот ишлаб чиқарган киши қаерда турар экан?! Ўша куниёқ паттаси қўлида.

Корхонада аҳвол шундай ачинарли-ку, раҳбар ходимлар, расмий шикоят йўқ, яна нима дейсиз, деб баланд келишади.

Ҳурматли директор Шаевич, бош инженер Цирюльников, техника бўлимининг бошлиғи Варламов ўртоқлар! Қандай қилиб завод шаънига дог туширмай келаётганингизни бошқаларга ҳам «ўргатиб» қўйинг. Бунинг йўли осон экан. Кўпчилик асбоб ва запас қисмларга «Автотрактородеталь» тамғаси босилмас, ё брак маҳсулот камайтирилган нархда сотиб юборилар экан.

«Ишнинг кўзини билган» раҳбар ходимлар корхона шуҳратини ана шу йўл билан сақлаб келмоқдалар.

К. ФИНАНСОВ,
Тошкент олий партия мактабининг тингловчиси.

У. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Станоклар жадал ишламоқда

Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи саккиз ойлик топшириқни бажарди. Етти йилликни муддатидан илгари бажариш ҳисобига ҳозирдаёқ пландан ташқари қарийб 11 миллион метр газлама ишлаб чиқарилди.

Ишчи ва мутахассислар машинаускуналарда маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга муваффақ бўлдилар.

Лойиҳага мувофиқ, «АТС — 5» маркали станок минутига 190 марта айланиши керак эди. Ҳозирги кунда бу станок рекорд тезлик билан ишлаб, минутига 218 — 220 марта айланмоқда. Бунга баъзи узелларни модернизациялаш йўли билан эришилди. Тўқимачилар бу станокларнинг айланиш тезлигини 230 га қадар етказишга қарор қилдилар.

1965 йилнинг охирига бориб, комбинат коллективи газлама ишлаб чиқаришни йилига яна 20 миллион метр кўпайтиришни белгилади. Новаторлар бунга ёрдам бермоқда. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КОНТРОЛЬ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ЮТУҚЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНСИН

КПСС Марказий Комитетининг саноат корхоналари ташкилотларида маъмурият хўжалик фаолиятини контроль қилиш ҳуқуқини амалга оширувчи комиссиялар тузиш ҳақидаги қарорига жавобан Чирчиқ шаҳридаги 160-қурилиш трестида 7 та ана шундай комиссия тузилган эди. Комиссиялар иш бошлаганига 8 ойдан ортиқ вақт ўтди. Шу муддат ичида улар маълум тажриба тўпладилар.

Трест партия бюроси партия контроль комиссиялари составига ташаббускор, давлат ва халқ манфаатларини чуқур англайдиган, принципиал, саботли коммунистлардан 31 кишини тайинлади. Комиссиялар тузилганидан кейин партия бюроси комиссия раислари ва аъзолари учун инструктив семинар ўтказди. Семинарда комиссия раислари ва аъзоларининг ҳуқуқлари батафсил тушунтирилди. Шундан кейин улар фаол иш бошлаб юбордилар. Комиссияларнинг фаолияти тез кунда ўзининг самарали натижаларини бера бошлади: қурилиш майдончаларида меҳнат интизоми мустаҳкамланди, прораб, бригадир ва инженерларнинг масъулияти ҳамда ташаббускорлиги оширилди, қурилишга раҳбарлик қилишда тез-тез содир бўлиб турадиган сансалорлик ва давлат мулкини талон-торож қилиш, материалларни нес-нобуд қилиб юбориш сингари фактлар кескин камайди. Бунинг натижасида трест бўйича 1960 йил етти ойлик қурилиш-монтаж ишлари плани ошириб бажарилди.

Партия контроль комиссиялари ойлик план асосида иш олиб бормоқдалар. Энг муҳим масалалар киритилган бу план трест партия бюроси томонидан тасдиқланади. Шу план асосида комиссиялар кундалик иш графиги тузадилар, бу графикнинг қандай бажарилишини махсус «кундалик»ка ёзиб борадилар.

Қурилиш техникаси ва транспорт воситаларидан фойдаланиш устидан контроль қилиш комиссияси (раиси темир-бетон буюмларни монтаж қилиш бўйича старший прораб ўртоқ Гурянов)нинг иш тажрибаси айниқса ибратлидир. Бу комиссия аъзолари йил бошидан бери актив иш олиб бормоқдалар. Улар ишлаб чиқаришнинг туб манфаатлари билан боғлиқ бўлган бир неча муҳим проблемаларни ҳал этишда ташаббускор бўлдилар. Масалан, илгари қурилиш механизмларини капитал ва профилактик ремонт қилиш, уларга техника хизмати кўрсатиш механизация базасида бажарилар эди. Ремонтчилар бригадаси механизмлар кўп бўлганлиги сабабли уларнинг ҳаммасини ўз вақтида сифатли ремонт қилиб бера олмас ва техника хизмати кўрсатишга улгурмас эди. Ўртоқ Гурянов бошчилигидаги комиссия бу аҳволни атрофлича ўрганди, ремонтчилар ва механизация базаси раҳбарлари билан маслаҳатлашди, сўнг бу масалани трест техника совети муҳокамасига қўйди. Комиссиянинг таклифига биноан советда қурилиш механизмларини жорий ремонт қилишни иккинчи сменада бажариш ҳамда профилактика ремонти ва техника хизматини бевосита қурилиш объектларининг ўзида бажариш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу тадбирнинг амалга оширилиши натижасида техникадан фойдаланиш бирмунча яхшиланди, механизмларнинг бекор туриш қоллари анча камайди.

Илгари ҳар бир қурилиш бошқармаси ўзига керакли дурадгорлик буюмларини ўзи олиб келарди, ҳатто ҳар бир прорабдик ҳам ўзи учун керакли нарсани ўзи ташиб келишга мажбур эди. Партия контроль комиссияси бу аҳволнинг ноқулайлигини кўрсатди ва дурадгорлик буюмларини, инерт материалларини қурилиш объектларига марказлаштирилган усулда етказиб бериш масаласини маъмурият олдига қўйди. Бу таклиф амалга оширилди. Натижада транспорт харажатлари илгаригидан анча камайди, экспедиторлар бошқа ишга кўчирилди, автомашиналардан максимал фойдаланиладиган бўлиб қолди.

Йиғма темир-бетон конструкцияларни монтаж қиладиган автокранчиларни ҳам комиссия таклифи билан комплекс қурилиш бригадалари составига киритилди. Янгича структура бригадада меҳнат унумдорлигини анча ошириш имкониятини берди. Масалан, шу йил январь ойида, эскича ишланган ойда, комплекс бригадалар 1100 қубометр йиғма темир-бетон конструкцияларини монтаж қилган бўлсалар, янгича структура жорий этилгач, февраль ойида 1400 кубометр, март, июнь, июль ойларида эса ундан ҳам кўп конструкция монтаж қилинди.

Ишлаб чиқариш корхоналари комбинатида тайёрланаётган маҳсулотлар сифати устидан контроль қилиш комиссияси (раиси—225-УНР бош инженери ўртоқ Кацман) ҳам анча тақдирга сазовор ишлар қилди. Комиссиянинг таклифи билан ПЖ, РБ маркали ёпқич плиталар тайёрлайдиган силлиқлаш машиналарининг металлдан ясалган тубларини янгича тозалаш, ёғоч ўрнига металл опалубкалар ишлатиш жорий қилинди. Бу янгиликлар ишлаб чиқариладиган темир-бетон сифатини яхшилашни, қўл меҳнатига хотима бериб, меҳнат унумдорлигини анча оширишни таъминлади.

Шу комиссия комбинатда маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан бир қанча тадбирларни ишлаб чиқди. Бу тадбирлар трест партия бюроси мажлисида муҳокама қилиниб, қувватланди ва ҳозир муваффақиятли амалга оширилмоқда. Комиссиянинг ҳар бир цех ва участкада контролни кучайтириши, техника қоидаларига оғишмай риоя қилиш, технологияни такомиллаштира бориш учун изчиллик билан олиб борган кураши самарали натижа берди. Комбинатда маҳсулот ишлаб чиқариш 7 ойлик плани анча ортиғи билан бажарилди, темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришда брак ўтган йилнинг шу муддатидагига қараганда қарийб уч баравар камайди.

Трест бош механиги ўртоқ Кистин раис бўлган фойдаланишга топшириладиган объектлар қурилиши устидан контроль қилиш комиссияси ҳам бир мунча дуруст ишлар қилмоқда. Ўтга чидамли ва тез эримайдиган металлар комбинати қурилишини тезлаштириш бу комиссиянинг диққат марказидаги масаладир. Айниқса комиссия аъзолари энг муҳим бўлган 3-цех қурилишини жадаллаштириш учун зўр ғайрат кўрсатдилар. Улар бажарилиши керак бўлган ҳамма ишлар графигини тузиб чиқдилар ва шу графикка қатъий риоя қилинишини хўжалик ходимларидан талаб қилдилар. Талаб қилиш билан бирга комиссия аъзолари хўжалик ходимларига яқиндан ёрдам ҳам бердилар, ўзлари жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар. Цех белгиланган муддатда ишга туширилди. Ҳозирги вақтда комиссия комбинатнинг 4-кимё цехи қурилишини жадаллаштириш ва уни тезроқ эксплуатацияга топширилишини таъминлаш учун курашмоқда.

Янги техниканинг жорий этилишини ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштиришни, рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларининг амалга оширилишини контроль қилувчи беш кишидан иборат комиссия (раиси—механизация базасининг старший инженери ўртоқ Оноприенко) дастлабки вақтда ишга астойдил киришди. Муайян план асосида бир неча объектлар текширилди, тушаётган рационализаторлик таклифларини рўйхатга олиш, уларни муҳокама қилиш ва амалга оширишда тартиб ўрнатилди, қолиб кетган таклифлар расмийлаштирилди. Бунинг натижасида янгилик яратувчилар сони олдингига кўра кўпайди.

Шунингдек комиссия янги техникани жорий этиш ва механизмлардан фойдаланиш соҳасида йўл қўйилаётган жиддий хато ва камчиликларни ҳам очиб ташлади. Айниқса 229-УНР да бундай камчиликлар кўп бўлганлиги сабабли комиссия бу бошқармада амалга оширилиши зарур бўлган конкрет тадбирларни белгилаб чиқди ва уларни изчиллик билан амалга оширишга бош-қош бўлди. 227-УНР да башняли кранлардан самарали фойдаланилмаётганлигига шу комиссия хотима берди. Қурилиш ташкилотларида икир-чикир камчиликлари туфайли бекор ётган механизмлар кўп эканлигини, уларни қаттиқ контроль остига олиш ва тезда ишга солиш масаласини ҳам шу комиссия кўтариб чиқди. Натижада ёрдамчи механизмлардан анча самарали фойдаланиладиган бўлиб қолди, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизация воситаси билан бажариш кўрсаткичи илгаригига нисбатан анча ошди.

Афсуски, бу комиссия сўнгги вақтда ўз фаолиятини анча сусайтириб юборди. Ҳозирги пайтда комиссия аъзоларининг хўжалик ходимларига таъсири сира сезилаётгани йўқ. Шунингдек, трестдаги кадрларни жой-жойига қўйиш ва уларни пастдан юқорига кўтариш, коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлаш ҳамда қурилишларни узлуксиз равишда материаллар билан таъминлаш устидан контроль олиб бориши зарур бўлган комиссиялар ҳам деярлик ҳеч иш қилмаётирлар. Бу комиссияларнинг раислари Радченко, Джетере ўртоқлар ўз зиммаларига юклатилган партиявий топшириқни мутлақо қониқарсиз бажармоқдалар. Трест партия бюроси эса уларга нисбатан талабчанлик қилмаётир.

Трест бош диспетчери ўртоқ Бобокаев бошчилик қилаётган комиссия бинокорлик материаллари ва қурилиш таннархини камайтириш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш устидан партиявий контролни кучайтириши керак эди. Лекин бу комиссия раиси ва аъзолари сайлангандан бери айтарлик ҳеч иш қилмадилар. Улар яхши тадбирларни белгилайдилар, план ва графиклар тузадилар. Аммо буларнинг ҳаммаси қоғозда ва оғизда қолиб кетаберади. Улардан ҳеч ким ижрони талаб қилмайди.

Трестдаги бу партия контроль комиссиялари фаолиятида рўй бераётган энг асосий камчиликлардан бири шуки, улар ўзларига берилган ҳуқуқдан тўла фойдаланмаётирлар, ўз фаолиятида комсомол ва партиясиз активларга кам таянмоқдалар, комсомол штаби, постлари ва касаба союз комитетининг комиссиялари билан яқиндан алоқада бўлмаётирлар. Шунинг учун ҳам партия контроль комиссиялари белгилаган йирим муҳим тадбирлар тўла амалга оширилмай қолаётир.

Трест партия бюроси бу камчиликларни аллақачон бартараф қилиши мумкин эди. Лекин негадир бу иш ҳамон чўзилиб келмоқда. Шунингдек трест партия бюроси ва бошланғич партия ташкилотлари қурилиш бошқармалари ва қурилиш материаллари корхоналарида маъмурият фаолиятини контроль қилиш юзасидан партия контроль комиссиялари тузишни шу пайтгача тугалламаганликлари ҳам уларнинг бу муҳим масалага юзаки қараётганликларини тасдиқловчи далилдир. Бундан ташқари партия контроль комиссиялари аъзоларини танлашда ҳам жиддий камчиликка йўл қўйилаётир. Комиссиялар составига новатор қурувчилар, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи ташаббускор, жонкуяр коммунист ишчилар деярлик киритилмаган. Трест бўйича тузилган партия контроль комиссиялари составида атиги икки ишчи бор, қолганлари раҳбар ходимлардан иборат. Буни нормал ҳол деб бўлмайди, албатта.

Трест партия ташкилоти (партбюро секретари ўртоқ Маслов) партия контроль комиссиялари ишини яхшилашда дастлабки қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, мавжуд камчиликларни тезда тугатиш учун зарур чораларни амалга ошириши керак.

З. ИСХОҚОВ.

ОБЛАСТИМИЗДА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

Пахтакор ўртоқлар, пахта йиғим-теримини зўр уюшқоқлик билан қисқа муддатда ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма нарсани тахт қилиб қўяйлик, хом пахтанинг терилишига ва ҳосилнинг нобуд бўлишига асло йўл қўймайлик!

— Эртадан теримни оммавий бошласак бўлади, — дейди Пискент районидаги Хрушчев номли колхознинг бригада бошлиғи Ином Марипов колхоз партия ташкилотининг секретари Чиннўлат Ҳошимовга (ўнгда). В. Монсеев фотоси.

МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЁРЛАНИНГ

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Механик-ҳайдовчиларимизнинг бу йилги ҳиммати катта. Улар етиштирилган ҳосилнинг кам деганда 140 — 150 минг тоннасини териб беришга аҳд қилдилар. Ҳозир областимиз далаларида бу муҳим ишга қизғин тайёргарлик бормоқда.

Пахта териш машиналарининг унумли ишлаши учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим? Дастлаб шунга эътибор бериш керакки, машина терими учун ажратилган далаларнинг ғўзалари бир текис ўсган бўлиши, говлаб кетмаслиги ҳамда ўтдан мутлақо тозаланган бўлиши шарт.

Шунингдек, эгатлар қаторларнинг ўртасидан олинган бўлиши лозим. Агар шундай қилинмаса, машинани тўғри бошқариб бўлмайди. Ерга кўп пахта тўкилади.

Юқорида далалар бегана ўтдан мутлақо тозаланган бўлиши шарт деб айтдик. Айниқса итузум, ёввойи печак, шўра ва шу сингари ўтлар хавфлидир. Чунки бундай ўтлардан чиққан кўкат суви машинанинг шпинделлари ғиштлари орасига кириб, уларнинг активлигини пасайтиради. Далаларда ғўза тупларининг ёнбошлаб ёки бутунлай ётиб қолишига йўл қўймаслик керак.

Ғўза баргларининг ўз вақтида ва сифатли тўкилишини таъминлаш ҳам машина теримининг муваффақиятини таъминлайдиган омиллардандир. Бу ишга ҳар гуп ғўзада камида 2 — 3 тадан кўсак очилгандан сўнггина киришиш тавсия этилади: ғўза баргини тўкишда сершудринг районларда ционамидкальций ва шудрингсиз районларда хлоритмагний препарати ишлатилади. Агарда ғўза барглари мўлжалдагидек тўкилмаса, 5 — 7 кундан кейин иккинчи марта дори сепиб қайта тўкиш талаб қилинади.

Далаларни машина теримига тайёрлашда агрегат қайриладиган, кирадиган, чиқадиган ерларни тайёрлаш катта аҳамиятга эга. Бундай ишлар бажарилаётганда ўқариқларни кўмиб, кўприкларни тузатиб қўйишни эсдан чиқармаслик лозим. СХМ-48М ва СХС-1,2 машиналари учун қайтиш жойлари беш метр, ХВС-1,2 машинаси учун етти метр кенгликда бўлиши шарт. Бульдозер ва грейдерлардан фойдаланиш бу соҳада қўл меҳнати сарфининг кам бўлишини таъминлайди.

Машина техник жиҳатдан яхши қаровдан ўтказилган тақдирдагина унумли ишлайди. Бунинг учун ремонт қилинган машиналарни яна бир кўрикдан ўтказиб, ишчи қисмларнинг тўғри ўрнатилганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Бунда қўшбарабан шпинделларининг шахмат шаклида жойланиши, уларнинг енгил айланиши учун съёмниклар шпинделларга 1 — 1,5 миллиметр оралиқда тегиб турган бўлиши, шунингдек кустопанравителлар, оптекателлар ҳам тўғри ўрнатган бўлиши лозим.

Машиналарни сифатли ва ўз вақтида тайёрлаш билан бир қаторда, уларда ишлаш учун тажрибали механик-ҳайдовчи кадрларни танлаш ҳам катта роль ўйнайди.

Кўсакларнинг камида 55 — 60 процента очилгандан кейингина машина теримига тушиш керак. Текширишлар ва кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳали 50 процент кўсаклар очилмасдан туриб, машина терими бошлангундай бўлса, очилган пахталарни териш процента анча камайиб кетади, ерга кўп пахта тўкилади. Натижада теримни 2 — 3 марта такрорлашга тўғри келади. Шунга эришиш керакки, очилган пахтани икки марта машина билан териб олиш лозим.

Айрим раҳбарлар юқори ҳосилли участкаларда терим машиналари унумли ишлай олмайди деган нотўғри фикрга берилиб, бунинг учун кам ҳосилли участкаларни ажратадилар. Бу мутлақо нотўғридир. Тажриба шуни кўрсатдики, ҳар гектаридан 26 центнердан тортиб то 53 центнергача ҳосили бўлган участкаларда машиналар бир текисда ишлайди, очилган пахтанинг 83 — 90 процентини териб олади.

Ёндош қаторлар кенглигининг тўғри ёки тўғри эмаслигига қараб, машиналарни биркитиш лозим. Ёндош қаторлари белгиланган кенгликка яқин бўлса, бундай далаларда СХМ — 48М маркали бир қаторли машиналар, аксинча ёндош қаторлари кенг ёки тор бўлган далаларда икки қаторли ХВС — 1,2 маркали пахта териш машиналари яхши ишлайди.

Пахта майдонларининг асосий қисмида ерга тўкилган ва тупларда қолган пахтани иккинчи машина теримидан кейин бирйўла териб олиш мақсадга мувофиқдир.

Терим машиналарининг унумли ишлаши учун уларнинг ишини группа усулида ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Ҳар бир группага 3— 4 машина биркитилади ва группага битта тажрибали механик-ҳайдовчи раҳбарлик қилади. Терим ана шу усулда ташкил этилса, агрегатларга биркитилган колхозчилар, совхоз ишчилари, механик-ҳайдовчиларнинг иши унумли бўлади ҳамда теримнинг сифати устидан контроллик яхши йўлга қўйилади.

Пахта теримини механизациялаштиришнинг афзалликларидан яна бири терилган пахтани ортиш ва ташишда қоп-қанордан фойдаланмасликка эришишдир. Пахтани қоп-қанорсиз ташиш йўлга қўйилса, меҳнат сарфи уч марта камаяди. Шу йўл билан иқтисод қилинган маблағни бошқа мақсадларга сарфлаш мумкин бўлади.

Кўрак териш машиналари ғўза тупларида кўк кўсаклар қолмагандан кейингина ишга туширилсин.

Кўрак териш машиналарининг ишини ҳам группа усулида ташкил этиш, ҳар бир машинага камида унинг бир кунлик иш нормаси миқдорига тўғри келадиган майдонни биркитиб қўйиш лозим.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирий чоралар тўла амалга оширилса, машина теримида муваффақиятга эришилиб, қўл меҳнати сарфи камаяди, маҳсулот таннархи арзонлашади.

М. МИРҚОСИМОВ,
М. АҲМАДЖОНОВ,
ЎзНИИМЭ илмий ходимлари.

Илғор бригадалар далаларида

Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхознинг ўртоқ Султон Аширматов бошлиқ бригадаси аъзолари 1958 йилда ҳам, 1959 йилда ҳам эл-юрт олдида қизаришиб қолишган эди. Нега деганда ишни бошидан пишиқ қилмаганликлари учун пахта тайёрлаш давлат планини бажара олмаган эдилар. Бу йил бригада аъзолари ўз ишларини бутунлай қайта қурдилар. Бир ёқадан бош чиқариб аҳиллик билан меҳнат қилиб, ҳар гектар ердан 27 ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилдилар.

Астойдил интилган киши мақсадига етади, деган гап ҳақ. Бригадада киши кўнглини тўлдирадиган даражада мўл ҳосил етиштирилди. Дуруст натижаларга қандай қилиб эришилди? Аввало 88 гектар пахта майдонининг ҳаммасига режа сими тортиб чигит экилди. Ғўза 4—5 марта узунасига ва кўндалангига парвариш қилинди. Озиқлантириш эрта ўтказилди. Ғўза чанқатиб қўйилмади, пушталарга сув бостириб юборилмади. Усталик ва эҳтиёткорлик билан амалга оширилган тадбирлар ҳар туп ғўзада шига-шиға кўсак тўпланишига сабаб бўлди.

Бригаданинг обрўси учун курашган кишилар кимлар? Йўлчи Кенжаев, Илеш Бўронбоев, Ғаниева Нурматов, Тўранқул Мавлонов, Нурмат Норов ўртоқлар каби моҳир сувчилар, Нозхоним Илёсова, Хонимбуви Латипова, Турсуной Додабоева каби меҳнатсевар ёшлар. Улар шу кеча-кундузда ҳам пахтазор қўйнида эгат оралашаяпти, йиғим-теримни бошлаш тараддудини кўришаяпти. Уларга раҳмат айтиб, хирмонингиз баракали бўлсин, деса арзийди.

Оққўрғон райони колхозларида илғор бригадалар, баракали хирмон кўтариш учун курашаётган азамат деҳқонлар оз эмас. Ворошилов номли колхознинг 1 ва 14-бригадаларида ҳам мўл ҳосил етиштирилган. Бу бригадаларда 15—20 мингчи теримчи хотин-қизлар кўп. Улар эрта кўкламдан бери астойдил ишлаб етиштирган мўл ҳосилларини эрта йиғиштириб олиш мақсадида ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Меҳринисо Азимова, Клара Обидова, Манзура Холиқова каби ўнлаб ёшлар 15—20 тоннадан пахта теришга сўз бердилар. Улар шу кеча-кундузда теримга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ленин номли колхознинг ўртоқ Малик Тўлаков бошлиқ бригадаси ҳақида ҳам хурсанд бўлиб сўзлаш мумкин. 30 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилган бригаданинг пахтаси қийғос очилабошлади. Бакир Маматқулов, Зокир Аҳмедов, Бўриқул Тангиров ўртоқлар каби механизаторларнинг ғўза қатор оралариға ўз вақтида сифатли ишлов берганликлари, сувчиларнинг кечани кундузга улаб тер тўкканликлари энди ўз самарасини кўрсатмоқда.

Т. МИРЗААҲМЕДОВ,
М. МУРОТОВ,
Х. АҲМЕДОВ.

ТАШГУ НИНГ 40 ЙИЛЛИГИ

КАТТА ОДИМ

Яна 2—3 ҳафта ўтар-ўтмас, университетимизда катта тўй — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг 40 йиллик юбилейини байрам қиламиз.

Маълумки, университетимиз Ўрта Осиёдаги энг тўнғич олий ўқув юрти ҳисобланади. 1918 йилнинг 21 апрелида Туркистон республикаси Министрлар Советининг топшириғи билан Маориф Халқ Комиссариати Туркистон халқ университети ташкил этди. Ўшанда бор-йўғи бешта факультетда машғулотлар олиб бориларди.

Бу олий ўқув юртини ташкил этишда ҳамда ўқув-тарбия ишларини жонлантириб юборишда кенса коммунист П. А. Кобозов, профессор Г. Н. Черданцев, олим Н. А. Димо каби фан арбобларининг хизматлари катта бўлди. Москва Давлат университети, Ленинграддаги технология институти, Тимирязев номидаги қишлоқ хўжалиги академиясининг кўзга кўринган олимлари ҳам қўлидан келган ёрдамини аямадилар.

Университет кафедраларида биринчи бўлиб лекция ўқиган ўқитувчилар эндиликда фан оламининг кўзга кўринган кишиларидир. В. И. Романовский, И. А. Зарудний, В. П. Дробин, Г. Н. Черданцев, Н. А. Лаппо-Даниловский, А. А. Диваев, Р. Р. Шредер ва бошқа олимларнинг номлари фахр билан тилга олинади.

1918—1919 йиллар давомида университетнинг ўқитувчи-профессорлар составида 60 киши бор эди. Студентлар сони эса 470 дан ошмас эди.

Орадан икки йил ўтгач, университетда медицина факультети иш бошлайди. 1920 йилдан эса ишчи факультетига студентлар қабул қилина бошланди. Бу даврга келиб университетда таълим олаётган студентларнинг умумий сони 1467 кишига етди.

Доҳимиз В. И. Ленининг йўлланмаси билан Москвадан Тошкентга бир неча малакали ўқитувчи ва профессор кадрлар юборилади. Натижада университет чинакам йирик илмий-ўқув муассасасига айланди.

В. И. Ленин Тошкентда Туркистон давлат университетини таъсис қилиш тўғрисидаги декретга 1920 йилнинг 7 сентябрида қўл қўяди. Бу Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаётида катта тарихий воқеа бўлди. Университетнинг ташкил топиши Ўрта Осиёда олий таълимни ривожлантириш соҳасида қўйилган дастлабки қадам бўлди.

Доҳи декрети билан университетга П. А. Баранов, А. Л. Бродский, Д. Н. Кашкаров, Е. П. Коровин, М. А. Орлов, И. А. Райкова, В. В. Бартольд сингари етук олимлар келиб, ёшларга билим бера бошладилар.

Шундай қилиб, 1927 йилга келиб университет 65 профессорга, 75 доцентга, 125 ассистентга эга бўлди. Университет фаолиятининг дастлабки ўн йиллигида Т. Н. Қори-Ниёзий, Т. А. Саримсоқов, М. Т. Ўразбоев, Т. З. Зохидов, Ш. Т. Толипов каби олимлар вояга етди.

Университет ўтган 40 йил ичида Ўрта Осиёнинг турли районларини атрофлича ўрганиш мақсадида юзлаб илмий экспедициялар уюштирилди. Буларнинг деярлик ҳаммаси самарали якунланди.

Ўқитувчи-профессорларимизнинг йирик монографик асарлари босилиб чиқди. Булар орасида дарслик сифатида қўлланилаётганлари ҳам кўп. Чувончи профессор В. И. Романовскийнинг «Математика статистикасининг элементар курси», Е. П. Коровининг «Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг ўсимлик дунёси», В. Л. Шульцнинг «Ўрта Осиё дарёлари» деган илмий китоблари бошқа олий ўқув юртларида ҳам муҳим дарслик сифатида ўрганилмоқда

Бу йил университетда 250 та тема бўйича илмий иш олиб бориляпти. Илм-фанни ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган бундай қувончли мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ёш кадрларни ўқитиб, зояга етказиш олдимизда турган энг шарафли вазифадан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Шу гуфайли ўқитиш ва тарбия ишлари самаранинг тағин ҳам яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бўлажак шонли юбилей университетимиз олдига тағин ҳам масъулиятли вазифалар юклайди. Ҳеч шубҳа йўқки, биз олдимизда турган бу улкан вазифаларни шараф билан бажарамиз.

О. С. СОДИҚОВ.
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ректори.

Сиз қанча силос бостирдингиз?

(6 сентябргача бўлган маълумот, процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Мажбуриятнинг бажарилиши	Районларнинг номи	Мажбуриятнинг бажарилиши
Юқори Чирчиқ	109,5	Пискент	58,5
Қуйи Чирчиқ	100,5	Оққўрғон	58,3
Бўка	69,0	Гулистон	57,5
Янгийўл	67,8	Чиноз	57,5
Ўрта Чирчиқ	67,5	Калинин	57,2
Сирдарё	66,2	Оржоникидзе	56,6
Бекобод	65,7	Олмалиқ шаҳри	29,3
Бўстонлиқ	64,7		
Оҳангарон шаҳри	64,1		
Янгиер шаҳри	63,1		

Область бўйича жами 67,8

Ҳақ гапга тан бермайдиган раҳбар

Наҳотки, пахта далаларини айланиб, кўзлари билан кўриб, диллари ранжиб қайтган кишиларнинг ҳам гапларига ўртоқ Мирдадаев ишонмасалар! Совхозининг 6 — 7-бўлимлари ғўзаларини шу кунга қадар одам бўйи ғумай босиб ётганлиги ёлғонми? Ўртоқ Ҳошимов бошлиқ бўлган бригадада қаровсиз қолганлиги сабабли ҳосил тўплаш ўрнига ҳосилини йўқотаётган ғўзалар борлиги ўртоқ Мирдадаевга ойнадай равшан эмасми?

Бизда ўт босган ғўза йўқ. Ҳамма ишни қотирворганмиз. А. Холиқов чизган расм.

Бекобод районидаги 1-«Далварзин» совхозининг директори мухтарам ўртоқ А. Мирдадаев мана шу ҳақиқатларнинг хаммасини гўрт оғиз қуруқ гап билан чиппакка чиқариб, ўзимники маъқул деб оёғини тираб туриб оладиган бўлиб қолибдилар. «Бажарворганмиз, қойил қилиб юборганмиз, бизни ким танқид қилса, нотўғри танқид қилади, ўринлатворганмиз». Мана ўртоқ Мирдадаевнинг топган гаплари. Наҳотки кўпчиликнинг фикри, эли-юртнинг фикри нотўғри бўлса-ю, фақат ўртоқ Мирдадаевнинг ўзлари ҳақ бўлсалар! Йўқ, кўпчилик ҳақ! Ўртоқ Мирдадаев шу кўпчиликнинг фикрига қулоқ солиб, ишдаги камчиликни бартараф қилиш тўғрисида дўппини ерга олиб қўйиб, чуқур ўйлаб олишлари керак.

ГЕОЛОГЛАРИМИЗ ҲАҚИДА ПОЭМА

Кундалик ҳаётий воқеа ва ҳодисаларни ўзига хос поэтик овозда қуйлашга ҳаракат қилаётган истеъдодли ёш санъаткорларимиздан бири Жуманиёз Жабборовдир. У талабчан шеърхонларимизни мамнун қилаётган асарлар ёзмоқда. Шоирнинг поэтик маҳорат майдонига дадил қадам ташлаётганлиги унинг ўз шеърларининг поэтикаси, бадиий ифодалари, деталлари, ритмик-интонацион тузилишлари устида қунт билан меҳнат қилаётганлигидан яққол сезилиб турибди. Шоирнинг китобхонларимизга тақдим этган «Тоғлар садоси» номли иккинчи поэмаси автор ижодий изланишларининг янги маҳсулидир. Поэмага геологларимизнинг шу кунлардаги ҳаёти асос қилиб олинган.

Шоир китобхонни қаҳрамон билан таништиришдан аввал унинг фаолиятига мансуб жойларни «ҳар битта қояси жавоҳир бекитган сандиқ,... ҳар бир тоши хазина қулфи» бўлган юксак тоғларнинг илҳомбаш манзараларини чизади.

Бош қаҳрамонни узоқ шаҳтадан уйига яёв қайтаётган ҳолда кўрамиз. Бадани тоғнинг ором билмас шаддод, беаёв елидан қизарган,... қошу-киприги йўл губори билан ўралган бу йигит, парвозга шайланган қушдай енгил ва хурсанд кайфиятда жонли, реал киши қиёфасида гавдаланади.

Уйига мана шундай руҳан тетик, шодиёна вазиятда кириб келган Сатторнинг хонада хунук бир ҳолатга дуч келиши, ъани хотини кетиб қолганлигини унинг онгида колизияни — ички қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради.

1 «Шарқ юлдузи» 1960 йил 1-сонда.

ТАНҚИД ВА ТАКРИЗ

<>

Қаҳрамоннинг оилавий ҳаётидаги бундай аччиқ ҳақиқатлар унинг мустаҳкам иродасини, социалистик меҳнатга нисбатан онгли муносабатини очишга асос қилиб олинади, У, айрилиқ азобини чидам билан енгиб, ўз севган касбида илмий-ижодий иш олиб боради.

«Қора сочларида оқ толалар бор,
Қоғозлар бетида югурар кўзи.
Олдириб қўйибди ўзини анча,
Манглайда, юзида ортиқча ажин.
...Салқи қовоқларга чўққан жиддият».

Қаҳрамон портретига оид бу деталлар муаммони очишда сабот кўрсатаётган ижодкор геолог қиёфасини гавдалантиради.

«Яна хаёллларга чўмади Саттор,
Хаёлда кўради, магма ловасин.
Қўлдаги ҳар далил, маълумотки бор,
Бари Саттор фикрин бир нловаси».

Бу мисраларни ўқиб, қаҳрамон ижодий изланишларининг ижобий самаралар бераётганлигига қаноат ҳосил қилмоқ оламиз, албатта. Бироқ, ушбу ижодий ишнинг конкрет темаси, спецификаси, «сири» ва аниқ натижалари етарли очиб берилмаган, новатор-ижодкорнинг лабораториясига чуқур кириб борилмаган. Натижада. геологларимиз новаторлигининг ўзига хос томонлари ва туб моҳиятлари етарлича очилмай қолган.

Автор геологик қурилиш ишлари бошлиғи Қаршибоев, парторг Салима ва унинг эри Хотам образлари орқали поэма сюжетини драматик конфликт асосида ривожлантиришни кўзда тутади.

Қаршибоев, Салималар Сатторнинг ижодий ҳисоботини ўқиб, бу ҳисоботда дадил изланиш борлигига қаноат ҳосил қиладилар. Ҳисоботдаги сатрлар маррага алтувчи сўқмоққа, нуқталар эса оғир сафарда ҳордиқ чиқарувчи жойга ўхшатилади. Бунинг натижасида асар конфликтини келтириб чиқаришга социал замин тайёрланади.

Салима Сатторнинг мазкур новаторлиги самараларидан гоят мамнундир. Бироқ, Қаршибоевнинг Саттор кашфиётини бошқача қарши олиши ва бу кашфиётни амалга оширмаслик учун курашишга киришиши учун асос қилиб олинган омиллар (Қаршибоевнинг ҳасадгўйлиги ва шуҳратпарастлиги) етарли эмас. Тааччубки, Қаршибоев Сатторнинг фанда муҳим бир муаммони ечганлигини ва бу масалани кўпчилик қўллаб-қувватлаётганлигини кўрабила туриб, унинг фикрларига мажлисда ҳеч қандай далилсиз ошкора қарши чиқади.

Қаршибоевга ўхшаш ҳасадгўй, шуҳратпараст шахсларнинг бошқалар эришган муваффақиятларни кўра олмаслиги табиий. Лекин улар одатда бундай муваффақиятларга қарши асоссиз, ошкора курашмайдилар. Чунки курашда бундай йўл тутиш ўз-ўзини онгли равишда руҳий ҳалокат ёқасига келтириб қўйишдан, ўз оёқ-қўлини ўзи боғлаб беришдан бошқа гап эмас. Бинобарин, курашнинг бу йўли Қаршибоев каби маккор, мунофиқ шахслар характерига мантиқан номувофиқдир. Демак, авторнинг асар конфликтини ривожлантиришда тутган мазкур йўли китобхонни тўла ишонтирмайди.

Аммо унинг бу соҳада тутган бошқа бир асосий йўли ўқувчини ишонтиради. Чунки Саттор қарши зимдан игво қўзғашга асосланган бу йўлда Қаршибоев ўз ирода йўналишига мувофиқ, эркин ҳаракат қилади. Саттор яратган ихтирога Қаршибоевнинг қаршилиги туфайли туғилган бош конфликт тараққиётига Саттор билан Хотам ўртасидаги ёрдамчи конфликт асос қилиб олинади.

Шоир ўз поэмасининг композицион ихчамлиги учун курашиб, характерли деталлар топишга ва улардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Чунончи, Муҳаббатнинг эри Саттордан воз кечиб кетиши Саттор онгида коллизияни келтириб чиқариш билан бирга, ёрдамчи конфликтни яратиш учун ҳам замин ҳозирлайди. Бу замин Қаршибоевнинг Хотам руҳига кира бошлаши учун йўл очади. Яъни, Қаршибоев Сатторнинг хотини билан ажрашганлигини асос қилиб олиб унга қарши тўқиган игвосини Хотам онгига сингдира бошлайди. Бу ҳолат Қаршибоевнинг маккорлиги, Хотамнинг соддалиги, серраШклиги туфайли табиийлик касб этади.

Автор мазкур игвонинг Хотам қалбида мустаҳкамланиши масаласини Қаршибоев фаолияти билангина чеклаб қўймай, бу хусуда Салиманинг ролини ҳам кўрсатади. Буни биз Салиманинг ўзига нисбатан Сатторнинг кўрсатган меҳрибончиликларини ўз эри Хотамга таъриф лаб беришида кўрамиз. Мана шу факторлар Хотамнинг ўз хотинини Саттор билан юради, деган гапга ишонишига сабаб бўлади.

Ёрдамчи конфликт шу омиллар асосида ривожланиб, Хотам билан Сатторнинг ўзма-ўз тўқнашиб курашишларида ўз кульминациясига чиқади. Бу кульминация айни вақтда Қаршибоев билан Саттор ўртасидаги бош конфликт тараққиётининг ҳам кульминацияси ҳисобланади. Чунки бош конфликт тараққий этади. Шу ўринда бош конфликт ҳам, ёрдамчи конфликт ҳам гўё ечилгандай туюлади. Аммо автор ечимни енгил-елпи ва юзаки ҳал қилган. Игвогар Қаршибоев асар ечимида етарли фош қилинмаган. Шунинг натижасида Хотам характерида юз берган ижобий ўзгаришлар ва унинг Саттордан узр сўрашини таъминлаган манбаълар реаллигига ишониш қийин.

Умуман шоир қаҳрамонлар характерини шакллантирувчи, улар онгида маълум психологик силжишлар ясовчи типик шароитни тўла очиб бера олмаган.

Шоир ўз достонида образ қалби ва характерини коллизиялар, курашлар ва лирик кечирмаларда очиш, мақсадга мос портрет ва пейзажлар чизиш борасида маълум ижодий ютуқларга эриша олган. Шу сабабли, бу достонни қизиқиб ўқиймиз ва ундан эстетик завқ оламиз.

Шунингдек, бу асар новатор геологларимиз ҳақида тўнғич миллий поэмалиги жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир.

Баҳодир ҒУЛОМОВ,
филология фанлари кандидати.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3-БЕТ, 7 СЕНТЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.

ТОШКЕНТ — ИВАНОВО

Саҳнамизда ивановолик санъаткорлар

Тошкент — Иваново тўқимачиларининг ҳамкорлиги ва ижодий мусобақаси тинмай авж олмоқда. Бу икки область саноат корхоналари ходимлари ўртасида яхши дўстлик алоқаси ўрнатилган. Тошкентлик тўқимачиларнинг Иваново шаҳри ҳамкасблари ҳузурида бўлиши ва улардан ўрганиши, ивановолик тўқимачиларнинг Ўзбекистон пойтахтига келиши ва тажриба алмашиши рус ва ўзбек ишчиларининг чинакам ҳамкорлиги намойишига айланмоқда. Бу икки область санъаткорлари ўртасидаги маданий алоқалар ҳам кучаяётир. Иваново шаҳар музикали комедия театри коллективи Тошкентга меҳмон бўлиб келди. Куни кеча бу театр пойтахтимизда ўз гастролини бошлаб юборди. Свердлов номли концерт залида меҳмонларимиз намойиш қилган «Чанитанинг бўсаси» спектакли зўр муваффақият қозонди.

Иваново шаҳар музикали комедия театрининг директори ўртоқ Е. Орлов мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Биз қуёшли Ўзбекистон пойтахтига биринчи марта келдик. Ўзбек халқининг театр санъати соҳасида қўлга киритган ютуқлари ва юксак дидли ўзбек тамошабинлари ҳақида кўп эшитганмиз. Шунинг учун ҳам қалбимиз ҳаяжонга тўла. Бизнинг бу гастролимиз театрнинг 25 йиллик юбилейи даврига тўғри келади. Ўтган чорак аср мобайнида ижодий коллективимиз Ўнлаб оперетталар, музикали комедия асарлари яратди. Репертуаримиздаги кўпчилик спектакллар замондошларимиз образини яратишга қаратилган. Бу спектакларнинг деярлик ҳаммаси совет авторларининг асарларидир. Машҳур совет композитори И. Дунаевскийнинг «Эркин шамол» музикали комедияси биринчи марта бизнинг театримиз саҳнасида кўрсатилган. Бу спектакль дарҳол шуҳрат қозониб кетди. Тошкентлик тамошабинларга кўрсатадиган энг яхши асарларимиз орасида Д. Кабалевскийнинг «Баҳор куйлайди», Б. Александровнинг «Малиновкада тўй», В. Белицнинг «Сизни дўстлар кутишади», Б. Мокроусовнинг «Шамоллар гули» оперетталари бор.

Юрий Милютиннинг «Чанитанинг бўсаси» асари энг муҳим темага бағишланган. Тинчлик учун курашаётган ёшларнинг қаҳрамонлиги, жасорати ва улар ўртасидаги дўстлик унинг асосий ғояси ташкил этади. «Малиновкада тўй» оперетаси ҳам тошкентлик тамошабинларга маъқул бўлади, деган умиддамиз. Бу спектакль бизда 360 марта кўрсатилди. Асардаги асосий Попандопуло ролини РСФСР-да хизмат кўрсатган артист Эммануиль Май зўр маҳорат билан ижро этиб келмоқда. Ўзбек тамошабинлари репертуаримиздаги «Сильва», «Марица», «Баядера» ва «Қувноқ бева» спектаклларини ҳам кўрадилар.

Театримиз гастролга тўла состави билан келди. Кекса саҳна усталари Э. Май ва Л. Адамантовалар билан бирга артистлардан А. Жданова, М. Матвеев, Н. Наровский, З. Дубровская, Л. Висоцкая, Т. Брагина, А. Орловская, А. Ковалев, В. Богданов, А. Логинов ва балет солистларидан Г. Эстерлейн, З. Гапарова ва бошқалар ўз санъатларини намойиш қиладилар.

Биз Тошкентда спектакллар кўрсатиш билан бирга, ўзбек тамошабинлари билан учрашувлар ҳам ўтказамиз. Тошкент театрлари коллективларининг иш тажрибалари билан танишамиз.

Ўзбекистон пойтахтида ўтадиган гастролимиз икки область — Тошкент ва Иваново областлари ўртасида ўрнатилган алоқани яна ҳам кучайтиришга, рус ва ўзбек халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликни тағин ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонамиз.

Суратда: Иваново шаҳар музикали комедия театри артистларидан бир группаси.

М. Нуриддинов фотоси.

ҚИШЛОҚ СОВЕТЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Тошкент область ижроия комитети давлат муассасалари область касаба союзлари комитети билан биргаликда қишлоқ ва посёлка советлари ўртасида ўтказилган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқди.

Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли қишлоқ совети (раиси Сайфулина, секретари А. Ким ўртоқлар)нинг иши область бўйича намунали деб топилди. Бу қишлоқ советидаги «Северний маяк», Ленин номли ва «Полярная звезда» колхозлари халқ хўжалик планларини ҳамма соҳалар бўйича муваффақиятли бажариб келмоқдалар. Қишлоқ совети раҳбарлигида ишлаётган кўча комитетлари ободонлаштириш бўйича катта тадбирларни амалга оширмоқда. Шу йил бошидан буён қишлоқ совети территориясида ҳаммом, янги бозор барпо қилинди, барча колхоз қишлоқларини электрлаштириш иши тугалланай деб қолди, «Авангард» қишлоғидан Ўртасаройгача бўлган йўл асфальтланди. Бу ерда 98 дружиначини ўзига бирлаштирган кўнгилли халқ дружинаси ҳам ишлаб турибди. Қишлоқ дружиначилари аҳоли яшайдиган ҳамма пунктларда навбатчилик қилишади.

Оржоникидзе районидаги Киров номли қишлоқ совети (раиси Раҳмонбердиев, секретари Исаметов ўртоқлар) социалистик мусобақада иккинчи ўринни олди.

Илгор қишлоқ советлари пул мукофотлари билан тақдирланди.

Э. ЧУДНОВСКИЙ.

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

А. И. КУПРИН

1896 йилда «Русское богатство» журналида ёзувчи Александр Иванович Куприннинг «Молох» повести босилиб чиқади. Бу повесть рус адабиётида капиталистик завод ва капиталистик эксплуатациянинг жабру-жафоларини ҳаққоний ҳамда муфассал баён қилиб берган асарлардан бири эди. Автор ўз повестини қаҳр-газабга тўлган ишчиларнинг зулмга қарши чиқишлари ва завод эгаларининг қочишларини тасвирловчи символик сатрлар билан тамомлади.

Куприннинг ҳаёти ва ижоди (У 1870 йил 7 сентябрда туғилган) ўзининг баъзи бир белгилари билан М. Горькийнинг ижодий биографиясини эслатади. Лекин улуғ пролетар ёзувчиси ўз тақдирини ишчилар ҳаракати ва революция билан боғлаган эди. «Молох»нинг автори эса бундай даражага кўтарила олмади, у умумдемократик позицияда қолди.

А. И. Куприн XX аср рус адабиётидаги танқидий реализм оқимининг талантли вакилларидан бири ҳисобланади. У яратган деҳқон қизи («Олеся»), ишсиз цирк артистлари («Циркда»), балиқчилар («Листригонлар») ва бошқа образлар галереяси ўзининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Авторнинг энг яхши асарларида ҳаётга муҳаббат, меҳнат аҳлига ҳурмат ва инсонпарварлик ғоялари бўртиб кўринади.

1906 йилда А. М. Горький томонидан нашр этилаётган «Знание» журналида ёзувчининг «Яккама-якка» номли романи босилиб чиқади. Бу роман Купринга катта шон-шуҳрат келтиради. Революцион кўтарилиш йилларида пайдо бўлган бу асар чор самодержавиесининг суянчиғи бўлган армияга анчагина катта зарба бўлиб тушган эди. «Яккама-якка» романи В. И. Ленин томонидан чор армиясига берилган баҳонинг ёрқин тасвири эди. Романда армия командирларининг ўзбошимчалиги, солдатларнинг инсоний ҳуқуқлари поймол этилиши, ишчи-деҳқонлардан чиққан жангчиларнинг ҳимоясиз эканлиги ёрқин тасвирланган. Шу сабабли ҳам ўша даврда реакция кучларининг Купринга қарши таъқиб бошлагани бежиз эмас эди.

Бироқ шуни айтиш керакки, роман автори асарда тасвир этилган социал қарама-қаршиликларнинг ҳақиқий сабабларини кўролмади; у мавжуд фожиали ҳолатдан қутилиш йўлларини билаолмади. Куприннинг ғоявий жиҳатдан етук ва изчил эмаслиги уни Октябрь революциясидан сўнг «Яккама-якка» романида лаънатлаган кишилари билан бирга чет элга кетишга мажбур қилади. Аммо чет элдаги ҳаёт ёзувчини қаттиқ эзади, у ҳатто ижодий талантидан маҳрум бўлаёзди. 1937 йилда Куприн ватанига қайтиб келади. Орадан бир йил ўтгач, у ўз она тупроғида вафот этади.

ФУТБОЛ

ЯПОНИЯ—ЎЗБЕКИСТОН

Кеча «Пахтакор» командаси ўз майдонида Япония терма футбол командасини қабул қилди.

Маълумки, Ўзбекистондаги сингари Японияда ҳам футбол сўнгги 20—30 йилдан буён ривожланиб келаётир. Япония футболи ҳали дунё аренасида бирор жиддий ғалабага эришганча йўқ.

Мамлакатимизга меҳмон бўлиб келган Япония терма командаси 19 футболчидан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилиги мамлакат биринчилиги мусобақаларида бир неча мартадан қатнашган. Бу команда яқинда Москвада «Торпедо» футболчилари билан учрашувда 8:0 ҳисоби билан ютқазди.

«Пахтакор» ва Япония командаларининг асосий ўйинчилари учрашганлиги ва бу икки команда биринчи марта куч синашаётганлиги учун ҳам мусобақа қизғин кураш вазиятида ўтди. Ҳар икки томон ўйинчилари ўз коллективи, қолаверса ўз юрти спортининг шаъни учун астойдил жон қойитиб ўйнадилар. Бу халқаро учрашувда тошкентлик футболчилар ҳар томонлама устунлик қилдилар ва 6:1 ҳисоби билан ғалабага эришдилар.

Халқаро ўртоқлик учрашуви дўстона вазиятда ўтди ва икки томон спортчилари алоқаларини мустаҳкамлашга катта замин ҳозирлади.

З. ИСРОИЛОВ.

А. А. Громиконинг Даг Хаммаршельдга мактуби

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош секретари Даг Хаммаршельдга мактуб юборди. А. А. Громико бу мактубида Совет ҳукуматининг топшириғига биноан, «Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой вакиллиги» масаласини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 15-сессияси кун тартибига киритишни сўрайди.

Мактубга тушунтириш хати илова қилинган. Бу хатда айтилишича, жаҳонда аҳолиси энг кўп бўлган давлат — Хитой Халқ Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ишида қатнашиш имкониятидан маҳрум этилган, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитойнинг ўрнини Хитой халқи томонидан рад этилган ва Америка найзалари ҳимояси остида АҚШ қўшинлари оккупация қилган Тайвань оролида, яъни Хитой Халқ Республикасининг ажралмас қисми бўлган ана шу оролда жойлашиб олган Чан Кай-ши тўдаси эгаллаб турибди.

Тушунтириш хатида айтилишича, Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолиятида қатнашиш имкониятидан маҳрум этилганлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўзига жуда катта зарар етказмоқда ва унинг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларини анча чеклаб қўймоқда. (ТАСС).

ГДР ПРЕЗИДЕНТИ ВИЛЬГЕЛЬМ ПИКНИНГ БЕТОБЛИГИ

БЕРЛИН, 5 сентябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг президенти Вильгельм Пикнинг соғлиги тўғрисидаги бюллетень бу ерда эълон қилинди. Бюллетенда хабар берилишича, Вильгельм Пикнинг юрак уриши тўсатдан пасайиб кетганлиги натижасида унинг аҳволи оғирлашган. Ҳарорати 38,4 даражагача кўтарилганидан кейин президентнинг аҳволи жуда оғирлашиб қолган.

Халқаро аҳвол

ЖУДА МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессиясига борадиган совет делегациясига СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бошчилик қилиши ҳақидаги хабар бутун дунёда жуда катта қизиқиш туғдирди. Н. С. Хрушчевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясига бориши бутун дунёда жуда муҳим сиёсий воқеа сифатида баҳоланмоқда.

Совет ҳукумати бошлиғининг, Бош Ассамблея XV сессияси ишида иштирок этиши, деб ёзади Польшанинг «Трибуна Люду» газетаси, кўпгина актуал масалаларни ҳал этишда алоҳида роль ўйнаши мумкин.

Ливанда чиқадиган «Аннидо» газетаси «БМТда қуролсизланиш проблемасини муҳокама қилиш мақсадида юксак доирадаги кенгаш учун» сарлавҳали бош мақоласида ёзадики, Н. С. Хрушчевнинг БМТ Бош Ассамблеяси сессиясидаги совет делегациясига бошлиқ қилиб тайинланиши Совет Иттифоқининг замоннинг энг муҳим проблемасини ҳал этишга астойдил интилаётганлигидан далолат беради. Газета таъкидлайдки, социалистик давлатлар ҳукуматларининг бошлиқлари БМТдаги делегацияларнинг бошлиқлари этиб тайинланганлар.

Франция жамоатчилигининг кенг доиралари Н. С. Хрушчевнинг Бош Ассамблея сессиясидаги делегацияга бошлиқ қилиб тайинланишини Совет ҳукумати низоли халқаро масалаларни ва даставвал қуролсизланиш проблемасини ҳал этишни силжитиш учун сарфлаётган жуда катта кучгайратининг янги тасдиқи деб билмоқдалар.

Матбуотнинг хабарларидан кўриниб турибдики, Н. С. Хрушчевнинг совет делегациясига бошчилик қилиши ҳақидаги хабар бўлажак сессияда ўзларининг иштирок этишлари ҳақидаги масалани ҳал этишлари лозим бўлган Ғарб давлатлари раҳбарларининг орасида каттагина саросима туғдирган. «Комба» газетасининг ёзишича, Ғарб канцелярияларида ана шу хабар олинган пайтдан бери катта ҳаяжон ҳукм сурмоқда. Газета қайд қиладики, ҳозир «Энг муҳим масала Хрушчев жаноблариданҒарб раҳбарлари ўрнак оладиларми деган масаладир. Бу жиҳатдан, — деб ёзади газета, — Париж, Лондон ва Вашингтон позицияси бир-биридан анча фарқ қилади».

Франциянинг позициясига келганда, Елисей саройининг вакили айтдики, БМТ сессиясида генерал де Голлнинг иштироки ҳақидаги «масала ҳали ўртага қўйилгани йўқ». Шу билан бир вақтда Франция ташқи ишлар министрлигининг расмий вакили Франция делегациясига ташқи ишлар министри Кув де Мюрвиль бошчилик қилишини хабар қилди.

«Комба» газетаси шундай маънода ёзадики, Ғарб давлатлари раҳбарлари орасида сессияда шахсан иштирок этиш жиҳатидан генерал де Голль энг муросасиз позицияда турибди. «Генерал де Голль учун, — деб тушунтиради газета, — бу позиция мутлақо йўқ деган маънони билдиради».

Демократик жамоатчилик Франция ҳукуматининг бундай позициясини қоралаб, унга «халқаро музокараларни саботаж қилишга» уриниш деб баҳоламоқдалар. «Лондон ва Вашингтон, — деб ёзади «Либерасьон» газетаси, — ўзаро консультация ўтказмоқдалар. У пойтахт ҳам, бу пойтахт ҳам Париждан сўрамоқдалар. Париж эса индамаслик керак, деган маслаҳат билан жавоб бермоқда. Лекин бу халқаро музокаралар юзага келаётган ҳозирги пайтда бу музокаларни саботаж қилиш учун асос эмаслир».

Норвегия газетаси «Фрихетен» «Герхардсен бориши керак» сарлавҳали редакцион мақоласида ҳамжиҳатликка ва халқаро кескинликни юмшатишга эришмоқ учун Совет Иттифоқининг янги муҳим ташаббусини қўллаб-қувватлайди. БМТ Бош Ассамблеяси сессиясидаги Совет Иттифоқи делегациясига Н. С. Хрушчевнинг бошлиқ қилиб тайинлаш ҳақидаги қарор, деб ёзади газета, барбод бўлган кенгашга қарагандa, юксак доирадаги янада кенгроқ кенгашни ўтказиш учун имконият очиб беради. Халқаро муносабатлардаги энг муҳим масалаларнинг ҳаммасини муҳокама қилиш имконияти туғилмоқда. Совет Иттифоқининг бу ташаббуси шуни ҳам билдирадики, яна халқаро кескинликни юмшатишга эришиш мумкин.

Газета Норвегия бош министри Э. Герхардсенни Совет Иттифоқининг бу ташаббусига Ғарб давлатларининг қандай қарашини кутиб ўтирмасдан бу муҳим масала юзасидан мустақил қарор қабул қилишга чақиради. Биз таклиф қиламизки, дейилади мақоланинг охирида, ҳукумат Бош Ассамблеянинг бу сессиясида Норвегия делегациясига бош министр Герхардсеннинг бошчилик қилиши ҳақида қарор қабул қилсин. (ТАСС).

Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг III съезди

ХАНОЙ, 5 сентябрь. (ТАСС). Бугун кечқурунги мажлисда Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети секретари Ле Зуаннинг сиёсий докладидан кейин Вьетнам Ватан фронти, демократик ва социалистик партияларнинг вакиллари съездни табрикладилар. Шундан кейин КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Ўртоқ Н. А. Муҳитдиновга сўз берилди.

Н. А. Муҳитдинов Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг III съезди Вьетнам халқининг ҳаётидагина эмас, балки қудратли социализм лагеридаги барча халқлар ҳаётида ҳам муҳим воқеа эканлигини таъкидлаб, Вьетнам Меҳнаткашлар партиясини, ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларни, республиканинг бутун халқини мамлакат хўжалик ва маданий ҳаётининг ҳамма соҳаларида эришилган ажойиб муваффақиятлар билан табриклади. Бу муваффақиятлар, — деди у, — аввало, социализм иши учун курашда изчил революцион, сабот ва матонатли Вьетнам ёш ишчилар синфининг хизмати натижасидир.

Н. А. Муҳитдинов сўзининг охирида бундай деди: Азиз дўстлар, халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракатнинг жанговар отряди бўлмиш сизнинг партиянгиз Вьетнам халқининг шонли фарзанди, халқаро коммунистик ҳаракатнинг таниғлик арбоби Ўртоқ Хо Ши Мин бошчилигидаги ўз Марказий Комитетининг синалган раҳбарлигида халқаро бирдамликни мустаҳкамлаш йўлидаги кураш ишига муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ленинча назарияга садоқати билан ўз халқининг ишончига ва зўр обрў қозонишга, қардош партияларнинг ҳурмати ва қизғин муҳаббатига сазовор бўлди.

Биз, — деди Н. А. Муҳитдинов, — сизларни ишонтириб айта оламизки, совет халқи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси коммунизм тантанасидан иборат умумий иш учун курашда ҳамиша сизнинг содиқ ва вафодор дўстингиз бўлиб қоладилар.

Шундан кейин Н. А. Муҳитдинов КПСС Марказий Комитетининг Вьетнам Меҳнаткашлар партияси учинчи съездига юборган табрикномасини ўқиб берди.

Н. А. Муҳитдиновнинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва кўп марта гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди.

Н. А. Муҳитдиновдан кейин Хитой Коммунистик партияси делегациясининг бошлиғи Ли Фу-чунь нутқ сўзлади.

Шу билан съезднинг бугунги мажлиси тамом бўлди. Съезд эртага ўз ишини давом эттиради.

Телевизор экранида

7 СЕНТЯБРДА

19.30. Ёшлар учун ўзбек тилида «Сиз биласизми?» деган эшиттириш.
19.50. «Геолог борганда» — киноҳикоя.
20.00. Сўнгги ахборот.
20.20. «Етти йилликнинг бир куни». Саноат ходимлари учун ўзбек тилида эшиттириш.
20.35. «Илзе» — бадиий фильм.
21.45. А. И. Куприн ижодига бағишланган адабий эшиттириш.

8 СЕНТЯБРДА

19.30. «Ёш техниклар». Мактаб ўқувчиларн учун ўзбек тилида эшиттириш.
19.50. Сўнгги ахборот.
20.10. «Шаҳарлик ўртоқлар, сизлар учун!» Ўзбек тилида телевизион очерк.
20.30. Киножурнал.
20.40. «Ҳамза поэзияси». Ўзбек тилида адабий-музикали эшиттириш.
21.10. «Бу воқеа Пеньковода бўлган эди». Бадиий фильм.

XVII Олимпиада ўйинларида

РИМ, (ТАСС махсус мухбири). Кечаги кун СССР спортчилари учун муваффақиятли бўлди, чунки улар тўртта олтин медаль олишга муваффақ бўлдилар. Эшкакчи қайиқларни академик ҳайдашда финал мусобақалари ўтаётган Альбано кўлидан биринчи ғалаба хабарлари келди. Мельбурндаги XVI Олимпиада чемпиони В. Иванов бир кишилик эшкакли қайиқда ўтказилган пойганинг финалида ўзининг ҳамма рақибларидан ўзиб кетди, иккинчи олтин медални рулчиси бўлмаган икки кишилик эшкакли қайиқлар мусобақасида ленинградлик спортчилар О. Голованов билан В. Борейко олдилар. Эшкакли қайиқлар пойгасида совет командаси иккита кумуш медаль (икки кишилик қайиқлар мусобақасида иккинчи ўрин ва рулчи билан биргаликда икки кишилик қайиқ мусобақасида яна бир иккинчи ўрин) ҳамда бир бронза медаль (рулчиси бўлмаган тўрт кишилик қайиқ мусобақасида учинчи ўрин) олди.

Эшкакчилар мусобақасида немис спортчилари учта ғалаба қозонди. Улар рулчиси бўлган икки кишилик қайиқлар пойгасида, рулчиси бўлган тўрт кишилик қайиқ пойгасида ҳамда саккиз кишилик қайиқ пойгасида биринчи бўлиб чиқдилар. АҚШ эшкакчилари (рулчиси бўлмаган тўрт кишилик қайиқлар пойгаси) ва Чехословакия эшкакчилари (икки кишилик қайиқлар пойгасида) биттадан олтин медаль олишга сазовор бўлдилар.

Олимпиада стадионида енгил атлетикачилар мусобақаси давом этди. Совет Иттифоқининг рекордчиси В. Руденков мусобақада зўр ирода билан қатнашиб, болга улоқтириш мусобақасида ғолиб бўлиб чиқди. У болғани 67 метр 10 сантиметрга улоқтириб яхши натижага эришди, бу билан янги олимпиада рекорди қўйди. Руденков Европа рекордчиси венгриялик Д. Живоцкидан ва Европа чемпиони Т. Рутдан (Польша) ўзиб кетди. Булар иккинчи ва учинчи ўринни олдилар.

Тўсиқлар орқали 3 минг метрлик масофага югуришда энг кучли совет спортчилари Н. Соколов ва С. Ржишчин бугун кумуш ва олтин медаллар олишга муваффақ бўлдилар. Шу масофани 8 минут 34,2 секундда босиб ўтган жаҳон рекордчиси поляк З. Кшишков бу мусобақада ғалаба қозонди.

Кеча Америкининг югурувчи спортчилари яна мағлубиятга учрадилар. Улар 200 метрлик масофага югуришда кўп йиллардан бери энг зўр деб ҳисобланиб келган Е. Димов устидан ва оғир вазндаги А. Албул Венесуэла полвони Феррер устидан ва оғир вазндаги С. Дзарасов швед полвони Антоносон устидан ғалаба қозонди. Совет полволари А. Алиев ва М. Шахов очколар бўйича ютиб чиқдилар. Г. Схирталадзе биринчи мағлубиятга учради.

100 метрлик масофага чалқанча сузиш мусобақасида хотин-қизлардан америкалик Л Берк олтин медаль олишга муваффақ бўлди. Эркин усулда 4х100 метрлик эстафетада ҳам хотин-қизлар орасида америкалик спортчилар олтин медалга эга бўлди. улар 4 минут 8,9 секунд вақт кўрсатиб, янги жаҳон рекордини қўйдилар.

Австралиялик Д. Конрадис эркин усулда 1500 метрлик масофага сузишда маррага 17 минут 19,6 секундда етиб бориб. Олимпиаданинг янги рекордини қўйди ва олтин медаль олди.

Олимпиада мусобақаларининг 9 куни натижасида командалар қуйидаги натижаларга эришдилар:

	олтин медаль	кумуш медаль	бронза медаль
СССР	19	9	11
АҚШ	16	12	11
Германия Бирлашган командаси	8	13	6
Италия	7	4	4
Австралия	5	6	3
Венгрия	3	7	3

Совет Иттифоқи спортчилари Олимпиадада 274,5 очко олиб, очколарнинг расмий ҳисоби жадвалида ҳали ҳам биринчи ўринда бормоқдалар. Шу ҳисобга кўра, АҚШ 244 очко, Германия бирлашган командаси 181 очко, Италия 100,5 очко, Австралия 94 очко ва Венгрия 93 очкога эга.

Боксчиларнинг олган бронза медаллари очколар ва медаллар ҳисобига қўшиб ҳисобланганн йўқ. Бразилия ва Италия командалари учрашади.

Эркин кураш мусобақаларида совет полвонлари муваффақият билан қатнашмоқда. Кеча енгил вазндаги В. Синявский болгариялик Б. Джурмуш устидан ва оғир вазндаги А. Тедеев Венгрия полвони Ш. Ковачи устидан ғалаба қозонди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ ТАНЫША ЖАЙЛАРИДА

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/IX да **Майсаранинг иши**, 8/IX да **Орзу**. Кеч соат 8 да бошланади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Комсомол кўлидаги ёзги бино) — 7/IX да **Нурхон**, 8/IX да **Равшан ва Зулхумор**. Кеч соат 9 да бошланади.

Бабетта урушга боради (янги кенг экранли кинокомедия) — қишки «ВАТАН», «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8-40 ва 10-40 минутда).

Ҳамма қийинчиликни енгиб — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 4 ва кеч 10 да), «ХЕВА» (кеч 8-40 минут ва 10 яримда).

Хўмрайган Вангур — «ИСКРА» (1-залда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, кеч 6-15 минут ва 8 да), КАФАНОВ номли (кеч 10 яримда), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 8-20 минутда), ТЕЛЬМАН номли (кеч 8 ярим ва 10-20 минутда), ПУШКИН номли (кеч 9 да), «УДАРНИК» (кеч 8-40 минут ва 10 яримда).

Синдбоднинг еттинчи саёҳати — «ИСКРА» (2-залда кундуз ва кечқурун), «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 8 ярим ва 10-20 минутда).

Рим каниқуллари — «ИСКРА» (3-залда кундуз ва кечқурун).

Янги Деҳли (1 ва 2-серия) — қишки НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11, кундуз 2 ва 5 да), ёзги «ВАТАН», ёзги НАВОИЙ номли (кеч 8 яримда).

Маҳаллада дув-дув гап — қишки НАВОИЙ номли (кеч соат 8 дан ўзбек тилида).

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ ФАБРИКА-ЗАВОД

ШОГИРДЛИГИ МАКТАБИ

тўқув мастери ёрдамчиси касбига ўргатиш учун

10-синф ҳажмида маълумотли, 22—25 ёшдаги йигитларни ўзбек группасига

қабул қилади

Ўқиш муддати бир йил.

Қабул қилинганлар стипендия билан таъминланади. Ётоқ билан таъмин қилинмайди.

Мактабга умумий тартибда қабул қилинади.

Адрес: Тошкент-13, 2-Виборг кўчаси, 3-а уй.

«УЗКОММУНЭНЕРГО» ТРЕСТИГА

электрик инженерлар

керак

Адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7-уй, 2-қаватда 15-хона.

«ТАШГОРКООПТОРГ»ГА

Тошкент шаҳрида ишлаш учун гўшт сотувчилар ва қассоблар

керак

Мурожаат учун адрес: Клара Цеткин кўчаси, 76-уй.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг адреси: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали. Партия ғурмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қури лиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 10085. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. 1873.